

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси

Қўлёзма ҳуқукида
УДК: 330.101.(541)

КАРИМҚУЛОВ ИХТИЁР МУРОТҚУЛОВИЧ

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
стратегияси (Сирдарё вилояти мисолида)

5А 230103 - Макроиктисодиёт

Магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.д., профессор Б.Б.Беркинов

ТОШКЕНТ – 2021

Магистрлик диссертацияси “Макроиктисодий таҳлил
прогнозлаштириш” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома “ _____ ” _____ 2021 йил.
Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Беркинов Б.Б. Беркинов Б.Б.

(имзо)

(сана)

Магистр: Каримкулов И.М.

И.М. Каримкулов
(имзо)

(сана)

АННОТАЦИЯ

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудуди сиёсатининг самарали воситалари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш меъзонлари ва Республикани 2030 йилга қада комплекс ривожлантириш концепциясига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шунингдек, Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда ривожланишининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлил этилган. Ҳудудларни инновацион ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг асосий йўллари юзасидан таклифлар келтирилган.

АННОТАЦИЯ

В диссертации рассматриваются эффективные инструменты региональной экономической политики Республики Узбекистан, критерии обеспечения социально-экономического развития региона и концепция комплексного развития республики до 2030 года.

Также были проанализированы организационно-правовые основы социально-экономического развития Сырдарьинской области и динамика основных социально-экономических показателей развития. Внесены предложения по основным направлениям стратегии инновационного социально-экономического развития регионов.

ANNOTATION

The dissertation examines effective instruments of regional economic policy of the Republic of Uzbekistan, criteria for ensuring the socio-economic development of the region and the concept of the integrated development of the republic until 2030.

The organizational and legal foundations of the socio-economic development of the Syrdarya region and the dynamics of the main socio-economic indicators of development were also analyzed. Proposals were made on the main directions of the strategy of innovative and socio-economic development of the regions.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	9
1.1. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш меъзонлари.....	9
1.2. Ўзбекистон давлат ҳудудий ривожланиш сиёсатининг самарали воситалари.....	13
1.3. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси.....	19
1-боб бўйича хулосалар.....	31
2-БОБ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ.....	32
2.1. Сирдарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва асосий кўрсаткичлари динамикаси таҳлили.....	32
2.2. Сирдарё вилояти асосий иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	41
2.3. Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши.....	51
2-боб бўйича хулосалар.....	59
3-БОБ. ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	60
3.1. Сирдарё вилояти иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва ривожлантириш истикболлари.....	60
3.2. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш йўллари.....	70
3-боб бўйича хулосалар.....	75
Хулоса.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон

иқтисодиётининг изчил ва мутаносиб ривожланишини таъминлашда пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларининг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги пандемия шароитда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ривожланишини узлуксиз амалга ошириш ижтимоий ҳамда иқтисодий ислохотлар туфайли ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгарди, уларда бозор муносабатлари ҳамда янги хўжалик юритиш тамойилларига мос бўлган ўзига хос ҳудудий муҳит шаклланди. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида: “Давлат бошқарув идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади. Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади”¹ деб вазифа қўйилган.

Бундай вазифаларни самарали ҳал этиш, ҳудудларда меҳнат ресурслари шаклланадиган макон сифатида, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта роль ўйнайди. Шу боис ҳудудлар фаолият юритиши ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдаги роли бугунги кунда олим ва мутахассисларни ҳамда давлат бошқарув тузилмалари раҳбарларининг эътиборини ўзига тортмоқда. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ инобатга олувчи илмий-услубий ёндашувнинг етишмаслиги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун аниқ мукаммал яратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси. 29.01.2020. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>